



# МДХ доирасидаги кўп қиррали муносабатларнинг ривожланиш истиқболлари ва амалий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7-8 октябрь кунлари амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлди.



Президент Шавкат Мирзиёев 8 октябрь кунли Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида ўтган саммитда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Арманистон Бош вазири Никол Пашинян, шунингдек, МДХ бош котиби Сергей Лебедев қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, кўп қиррали муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, МДХ доирасидаги амалий ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Россиянинг Ҳамдўстлиқда раислиги даврида кўп томонлама ҳамкорлик барча йўналишларда ривожланганини юқори баҳолади.

МДХ мамлакатларининг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ вазиятга алоҳида эътибор қаратилди.

МДХ мамлакатлари махсус хизматлари ва ваколатли идораларининг тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бугунги таҳдидларга қарши курашиш усулларини

такомиллаштириш, киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида келишилган чоралар ҳамда дастурий ҳужжатларни қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳамкорлиқнинг иқтисодий йўналишида биргаликдаги фаолиятни кучайтириш устувор вазифа экани қайд этилди.

Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан буён 16 фоизга ошган. Муваффақиятли саноат кооперациясига қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Хусусан, интернет технологиялари ва “катта маълумотлар” индустриясини ривожлантириш, рақамли ечимларни жадал жорий этиш, креатив иқтисодиёт, яшил энергетика ва ядро технологиялари, иқлим муаммолари ва бошқалар шулар жумласидан.

Шу муносабат билан МДХ мамлакатлари экспертлари ва таҳлилчиларининг учрашувларини мунтазам ўтказиш ҳамда

йўналиш ва Инновацион ривожланиш форумини ўтказиш таклиф этилди.

Яқинда бўлиб ўтган МДХ мамлакатлари етакчи таҳлилий марказларининг Тошкент конференцияси натижаларини ҳисобга олган ҳолда, узоқ муддатли шериклиқнинг янги устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳусусан, интернет технологиялари ва “катта маълумотлар” индустриясини ривожлантириш, рақамли ечимларни жадал жорий этиш, креатив иқтисодиёт, яшил энергетика ва ядро технологиялари, иқлим муаммолари ва бошқалар шулар жумласидан.

Шу муносабат билан МДХ мамлакатлари экспертлари ва таҳлилчиларининг учрашувларини мунтазам ўтказиш ҳамда

навбатдаги конференцияни Самарқанд шаҳрида сунъий интеллектни ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказиш таклиф этилди.

Гуманитар алмашинувларни кенгайтириш мақсадида Ҳамдўстлик давлатлари маданияти кунларини ўтказиш таклиф қилинди. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш, таълим, санъат, кино, туризм ва спорт соҳаларида қўшма тадбирлар дастурини ҳар йили тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Самарқанд ва Тошкентни тегишлича Ҳамдўстликнинг маданий пойтахти ва ёшлар пойтахти деб эълон қилиниши доирасидаги лойиҳалар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда шахмат ва футбол бўйича ёшлар жамоалари

ўртасида МДХ очиқ кубоги мусобақалари ўтказилди.

Яқинда Ўзбекистон Президенти Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонни 2025 йилда ташкилотга раисликни қабул қилгани билан табриклади.

Саммит якунида МДХ доирасидаги ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари бўйича бир қатор битим ва қарорлар қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ ёхуд ёруғ келажак пойдевори қандай қўйилмоқда?

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек НАЗАРБЕКОВнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга берган интервьюси

Мамлакатлар тараққиётида маънавият, маданият бирламчи масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, ҳозиргидек глобал дунёда ўзликни сақлаб қолиш, ягона халқ бўлиб олган интилишда санъат ва маданиятнинг аҳамияти катта. Юртимизда эзгулик, инсонпарварлик тамойилига асосланган “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғояси кенг тарғиб этилмоқда. Бу жамиятимизда соғлом дунёқарашни ривожлантириб, бунёдкорлик ташаббусини умуммиллий ҳаракатга айлантиришга хизмат қилапти. Халқимиз қалбида бугунги ислохотларга ишонч, тинч ва осойишта кунларга шукроналик, эртанги ёруғ келажакка умидни тобора кучайтирмоқда. Мазкур ислохотлар жараёнида маданият ва санъатга, унинг тараққий топишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти мамлакатимиздаги вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан интервьюлар ташкил этиб, соҳадаги ўзгаришлар, келажакдаги режалар, ислохотлар моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилиб келмоқда. Ушбу анъанани давом эттирган ҳолда бу галги суҳбатдошимиз маданият вазири Озодбек НАЗАРБЕКОВ бўлди.

— Суҳбатимизни янги Ўзбекистон ғоясини шакллантириш, ривожлантиришда Маданият вазирлиги фаолияти, унинг ўрни, аҳамияти ҳақида бошласак.

— Янги Ўзбекистон бугун нафақат маданият, балки барча соҳада дунёга очилди. Янги Ўзбекистон ғояси, ундаги ислохотларни дунёга таътилади спорт ва маданият энг кўп натижа берадиган соҳа эканини барчамиз яхши биламиз.

Давоми 5-бетда

## МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТАБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС  
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ  
ВА МАҲАЛЛИЙ  
КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ  
САЙЛОВИ КУНИ



Мазкур мақола “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-бетга қаранг.

## ҲУДУДИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ЎРНИ



Демократиянинг энг муҳим белгиларидан бири адолатли сайловдир. Сайлов жараёнлари фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш билан бирга аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ҳам намоён этади. Фуқаролар сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланиб, давлатнинг эртанги тақдири масаласини ҳал этади. Аҳолининг ушбу ҳуқуқларини кафолатлаш давлатнинг энг муҳим мажбуриятларидан бири ҳисобланади. Давлат бевосита норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу мажбуриятлар бажарилишини белгилаши эса муҳимдир.

Давоми 2-бетда



# ХУДУДИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ЎРНИ

## Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда эркин ва адолатли сайлов ва референдумларнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, тақомиллаштириш ва ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2023 йил 18 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун билан сайлов комиссиялари тизими тақомиллаштирилиб, Марказий сайлов комиссияси бевосита бошчилик қиладиган марказлашган сайлов органлари тизими шакллантирилиши белгиланди. Унга кўра, Марказий сайлов комиссияси — ҳудудий сайлов комиссияси — туман ва шаҳар сайлов комиссияси — округ сайлов комиссияси — участка сайлов комиссияси тизими яратилди.

Илгари сайлов комиссиялари тизимида мавжуд бўлган халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари сайловини ўтказиш бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайлов комиссиялари, Президент сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари, референдум ўтказиш бўйича округ комиссиялари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларини тузиш амалиёти бекор қилиниб, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юқорида санаб ўтилган барча сайловлар ва референдумни ташкил этиш ва ўтказишга масъул ҳудудий сайлов комиссияларини тузиш тартиби белгиланди.

Ҳудудий сайлов комиссияларига оид нормалар, аввало, Сайлов кодексига, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган **Ҳудудий сайлов комиссияси тўғрисидаги низомда ўз ифодасини топган.**

Ҳудудий сайлов комиссиялари тегишли ҳудудда Қонунчилик палатаси, маҳаллий

кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

Шунингдек, ушбу комиссиялар тегишли ҳудудда Сайлов кодекси ижроси устидан назоратни амалга ошириб, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди ҳамда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари юзасидан тушунтиришлар беради.

Бундан ташқари:

— халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳри кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округларини тузиш, уларга ном ва тартиб рақами бериш, чегараларини, сайловчилар сони, сайлов округлари рўйхати ҳамда округ сайлов комиссиялари жойлашган ер тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш;

— туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияларини тузиш ҳамда уларнинг таркиби ва жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш;

вилоят кенгаши томонидан тузилган бўлса, энди ҳудудий сайлов комиссияси томонидан тузилиши белгиланди.

Округ сайлов комиссиясининг сайлов участкалари ва участка комиссияларини тузиш, тегишли ҳудудда депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш ҳудудий сайлов комиссиялари ваколатига ўтказилди.

Бундан ташқари, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчиларни рўйхатга олиш, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловда тегишли ҳудуд бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ва бошқа шу кабилар ҳам ҳудудий сайлов комиссияларининг ваколатига киритилди.

Амалдаги тартибга кўра, ҳудудий сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида саксон кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва комиссиянинг ўн икки-

қозонган олимлар ва мутахассислар билан тўлдирилди.

Хозирги кунда ҳудудий сайлов комиссиясининг профессионал тарзда ишлашини таъминлаш мақсадида уч нафар (раис, раис ўринбосари ва котиб) аъзо доимий фаолият юритмоқда. Шунингдек, комиссия таркибиде саккиз хотин-қиз бор.

Ҳудудий сайлов комиссияси бино, транспорт, алоқа воситалари ва интернет билан тўлиқ таъминланган. Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича Тошкент шаҳрида тузилган бир мандатли сайлов округлари сонидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир сайлов округи бўйича бириктирилган комиссия аъзоси иш юритиши учун етарли шaroит яратилган.

Тошкент шаҳри ҳудудий сайлов комиссияси таркибиде 50 та сайлов округи ва 861 та сайлов участкаси фаолияти йўлга қўйилди. Уларда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини мустақил ифода этиши учун барча шaroит яратилган, ҳудудий сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссиялари аъзолари учун мунтазам ўқувлар ташкил этиш орқали уларнинг сайлов қонунчилигига оид билим ва кўникмалари ошириб борилди, ўз навбатида, участка сайлов комиссиялари фаолияти самарадорлиги таъминланмоқда.

Сайлов комиссиялари аъзолари бир неча босқичда ўқитилди. Дастлаб комиссия раиси ва ўринбосарлари, котиблар ўқитилган бўлса, кейинги жараёнларда комиссия аъзоларига бу йилги сайловнинг ўзига хос хусусиятлари тушунтирилди. Назарий ва амалий ўқув машғулотлари ўтказилди.

Сайлов тизимида ҳудудий сайлов комиссиясининг жорий этилиши сайлов комиссияларининг профессионал тарзда ишлашига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, адолатли ва шаффоф сайловлар ўтказилишини таъминлаш орқали халқ иродаси акс этишини кафолатлайди.

**Абдулла МАҒРУПОВ,**  
**Тошкент шаҳри ҳудудий сайлов комиссияси раиси**

## Кун мавзуси

# МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ САНАСИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

**Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 8 октябрда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз беришини ташкил қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.**

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчилар учун 2024 йил 16-23 октябрь кунлари муддатидан олдин овоз бериш жараёнини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Муддатидан олдин овоз бериш кунлари сайлов участкаларида овоз бериш вақти иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар, дам олиш кунлари эса соат 11:00 дан 17:00 га қадар давом этиши белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатларидаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузуридаги сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш ушбу сайлов участкалари жойлашган давлатдаги маҳаллий вақт билан соат 9:00 дан 18:00 га қадар амалга оширилиши белгилан берилди.

Сайлов кодекси ва “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунда ногиронлиги бўлган фуқаролар ўзининг барча конституциявий ҳуқуқлари, жумладан, сайлов ҳуқуқини бошқа фуқаролар билан тенг ва эркин амалга ошириши учун зарур шaroитлар яратишга оид қондалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Жорий йил 27 октябрь кунини ўтказилган сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 11 нафар ва маҳаллий кенгашларга 605 нафар ногиронлиги

бўлган шахс депутатликка номзод сифатида рўйхатга олинган. Шунингдек, сайлов комиссиялари таркибиде ногиронлиги бўлган 1343 шахс фаолият юритаётгани бўлажак сайловларда улар учун тенг имконият яратилганини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, бўлажак сайловларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини кенгроқ таъминлаш мақсадида ногиронлиги бўлган 830 мингдан ортиқ сайловчига кўмак берувчи волонтерлар бириктирилмоқда.

Мажлисида ногиронлиги бўлган шахсларга ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириши учун зарур шaroитлар яратиш мақсадида сайлов бюллетенларини тўлдириш учун брайль алифбоси асосидаги трафарет намунасини тасдиқлаш, сайлов участкаларида ногиронлиги бўлган ва жисмоний имконияти чекланган шахслар учун махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабиналари, оптик лупалар (катташатирувчи ойналар) ҳамда қўшимча ёриткичлар ўрнатиш ҳамда сайлов участкаси мустақил бораолмайдиган сайловчиларнинг сайлов кунини турган жойларида овоз беришини ташкил этиш масалалари муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## Ҳафталик

Мамлакатимизда 7-12 октябрь кунлари ихтирочи хотин-қизларнинг илм-фан ва тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятига бағишланган ҳафталик бўлиб ўтмоқда. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси бир қатор вазирлик, агентлик, миллий ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирдан мақсад хотин-қизларни ихтирочилик ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, бизнес ғоя ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигини янада ривожлантириш ва бу жараёнларга инновацион ёндашувларни кенг жорий қилишдир.

Хотин-қизларнинг оила ва жамиятда фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш юртимиздаги ислохотларнинг муҳим йўналишига айланган. Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида ҳам бу борада кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланган ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Натижада Ўзбекистон тарихида илк маротаба миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган



## илм-фан ва тадбиркорликда юксак ютуқларга эришмоқда

тавсияларга мос даражага етди. Сайлов қонунчилигимизда депутатликка номзодларнинг камида 40 фоизи хотин-қизлар бўлиши зарурлигига оид норма мустаҳкамлангани уларнинг сиёсий жабҳадаги иштирокида янги босқич бошланганидан далолатлидир. Шу билан бирга, хотин-қизларни ихтирочилик ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза

қилишда кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Илм-фан тизимида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг инновация, стартап ва ихтирочилик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида барча ҳудудларда “XXI аср аёли” фестивали, “Ҳудуднинг 100 нафар ихтирочи аёли” ҳамда “INNOWOMENWEEK” ҳафталиги ўтказилляпти. Олимларимиз дунёнинг тараққий этган давлатларидаги форум ва кўргазмаларда ҳам фаол иштирок этапти. Жумладан, Жанубий Кореяда анъанавий ўтказиб келинадиган ихтирочи аёлларнинг халқаро кўргазмасида олимларимиз 2018-2024 йилларда жами 8 та гран-при, 21 та олтин, 27 та кумуш ва 23 та бронза медал билан тақдирланди.

Кейинги йилларда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, ҳунармандликни ташкил этиш, меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар бўйича хотин-қизларнинг билим ва кўникмаларини оширишга кўмаклашиш борасидаги ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Маълумотларга кўра, бугун юртимизда ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 200 мингдан ошди, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида аёллар улushi 46 фоизни ташкил этмоқда. Кичик бизнес



субъектларининг 120 мингдан, хусусан, фермер хўжалиқларининг 4 мингдан ортинини хотин-қизлар бошқармоқда.

Келгуси икки йилда кичик ва ўрта бизнесда хотин-қизлар улushiни хозирги 25 фоиздан 40 фоизга ошириш бўйича улкан мақсад қўйилган. Шу мақсадда Президентимизнинг тегишли фармони асосида жорий йилдан бошлаб аёлларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини ташкил этиш учун 100 миллион доллар ажратилди. Жорий йилда хотин-қизларнинг

тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 130 мингдан ортиқ хотин-қизга 2,5 триллион сўмдан зиёд кредит ажратилди. Ўз навбатида, бу имкониятдан унумли фойдаланиб, фаол ишлаётган хотин-қизлар томонидан амалга оширилган лойиҳалар ҳисобига қарийб 148,5 мингта янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, 14 та ҳудудда Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари очилиб, бу ерда аёлларга ҳар кимнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ва тадбиркорлик соҳасида

мавжуд гендер чекловларни ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиляпти.

Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳам опа-сингилларимизнинг орзу-умидлари ва интилишларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Хотин-қизларнинг олий таълим олиш имконияти кенгайтирилиб, олий ўқув юрларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилаларнинг қизлари учун грантлар жорий этилди. Магистратура босқичида ўқиётган хотин-қизларнинг барчасига шартнома пуллари давлат бюджетидан қайтариш шартисиз тўлаб берилиши йўлга қўйилди.

Хорижий олий таълим муассасаларида бакалаврият йўналишида 50, магистратура учун 10 хотин-қизга “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратилмоқда. Олий таълим муассасаси, техникум ва коллежларда сиртки ва кечки таълимда ўқиётган хотин-қизларнинг контрактини тўлаш учун 84 минг 640 талабага 7 йилга 872,2 миллиард сўм фoизсиз кредит ажратилди.

Ҳафталикнинг дастлабки кунинида пойтахтимиздаги Турин политехника университетида “Ихтирочи аёллар — 2024” кўргазмаси ҳамда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тартиби ҳақида ўқув семинар ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ихтирочи ҳамда тадбиркор аёллари инновацион лойиҳа ва маҳсулотлари билан иштирок этди.

12 октябрга қадар давом этадиган ҳафталик доирасида “XXI асрда илм-фан ва бизнесдаги аёллар: ютуқлар ва муаммолар” мавзусида халқаро форум, “Тадбиркор аёлнинг муваффақият сири” мавзусида жанубий корейлик етакчи тадбиркор аёлларнинг мамлакатини хотин-қизлари билан учрашуви, Тошкент вилоятида “Ҳудуднинг 100 нафар тадбиркор аёли” кўргазмаси ўтказилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, “Ахборот технологиялари соҳаси ривожига хотин-қизларнинг ўрни” мавзусидаги халқаро анжуман, хотин-қизларнинг ахборот технологиялари соҳасига татбиқ қилишга йўналтирилган дастурий маҳсулотлари, веб-сайт, мобил илова ва инновацион лойиҳалари тарғиботига йўналтирилган “ITWomenUz — 2024” кўргазмаси ва марафон ташкил қилинади.

Ҳафталик туман ва шаҳарларда ҳам давом эттирилиб, “Тадбиркорлик сари қадам”, “Электрон тижорат, онлайн бизнес оламидаги аёллар учун имкониятлар”, Аёллар учун рақамли банкнинг: молиявий саводхонликдан молиявий мустақилликка қадар” каби мавзуларда ўқув семинарлар ўтказилади.

**Баҳор ҲАЗРАТҚУЛОВА,**  
**журналист**



Ҳасан Мундошев оған сураётлар.

# СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ — БАРКАМОЛ АВЛОД САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ



## “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

“Миллий тикланиш” демократик партияси мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга қаратилган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини англаган ҳолда “Тарбия ё ҳаёт, ё мамот...” ғоясини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий мақсади ҳазрати инсоннинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароитлар яратишда деб билади.

Инсон ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун, биринчи навбатда, таълим олиши, маънавий, маданий салоҳиятини ошириб бориши, жисмоний камолотга эришишдек фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлақонли фойдаланиши талаб этилади. Зеро, “қудратли давлатга таянган, қонунлар миллий ва умуминсоний қадриятларга уйғун, инсон қадри баланд, фаровон жамият қуриш” партиянинг бош мақсади ҳисобланади.

Албатта, мазкур устувор ғояларни ҳаётга самарали татбиқ этиш ва белгиланган мақсадларга эришиш кадрлар салоҳиятига бориб тақалади. Айнан ушбу ҳақиқатни тўғри англаган ҳолда “Миллий тикланиш” демократик партияси **баркамол авлод салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларини** Сайловдди дастурининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилagan.

Шу боис, партия ўз дастурида мазкур масалаларга нисбатан комплекс ёндашуви тақлиф этган ҳолда **маънавий тарбия ва сифатли таълим**, унинг барча **босқичларини ривожлантириш**, шунингдек, **жисмоний тарбия ва спорт** масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

## Маънавий тарбия ва сифатли таълим — комил инсонни шакллантиришнинг асосий омили саналади!

Маълумки, ҳар томонлама ривожланган ва ижтимоий масъулиятли шахсни шакллантириш пойдевори, аввало, муносиб тарбиядан бошланади. Сифатли таълим олишнинг асоси ҳам тарбияга бориб тақалади.

Шу билан бир қаторда, тарбия ва таълим ўзаро мутаносиб, бир-бирини тўлдирувчи жараён ҳисобланиб, уларни ажратиб бўлмайди. Таълим жараёнида тарбия, тарбия жараёнида эса таълим ўзини намоён этиб туради. Бу икки жараённи ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этиш одобли, юксак маънавиятли, шу билан бирга, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-хунаар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаб, вояга етказишнинг асоси ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам партия Сайловдди дастурида **маънавий тарбия ва сифатли таълим** масаласини баркамол авлод салоҳиятини рўёбга чиқаришда асосий мезонлардан бири сифатида белгилаб, бу борада қатор тақлиф ва ташаббусларни ўртага ташламоқда.

Қайд этиш лозимки, ҳатто ривожланган, иқтисодий тараққиётга эришган қатор мамлакатлар таърибаси ҳам тарбия масаласи баркамол авлодни шакллантириш, маънавиятли инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришда **ҳаёт-мамот масаласи** эканини кўрсатмоқда. Бу борада миллатнинг ғаж-у ифтихори бўлган маърифатпарвар жадид бобомиз Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат; ё саодат — ё фалокат масаласидир” деган даъвати ҳам бундан қарий бир ас олдин айтилган бўлса-да, унинг аҳамияти асло камайгани йўқ.

Шу сабабли ҳам партиянинг ўз ғоя ва мақсадларига ҳамоҳанг равишда тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратгани, бу борада “Тарбия” фанини тақомиллаштиришга ташаббус қилаётгани нафақат таълим-тарбия тизими ривожига, балки миллатнинг эртанги куни, тараққиёти билан ҳам бевосита боғлиқ саналади. Шундан келиб чиқиб, партия “Тарбия” **дарслигини мунтазам тақомиллаштириб бориш** ташаббусини илгари сурмоқда.

Юқоридagилар билан бир қаторда, партия тарбияни жиддий илмий тадқиқ қиладиган, оила, боғча ва мактабда сингдирилиши зарур бўлган миллий қадриятлар ва кўникмаларни аниқлаш ва уларни самарали сингдириш **методологияларини ишлаб чиқиш** масалаларини долзарб йўналиш деб ҳисоблайди. Бу борада партия томонидан миллий тарбия асослари ва миллий таълим **дастуруларини ривожлантириш**, узлуксиз тарбия ва таълим уйғунлигининг **ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш** чораларини кўриш билан боғлиқ устувор вазифалар тақлиф этилмоқда.

Мазкур ғоя ва ташаббусларнинг амалиётга татбиқ этилиши илм-фан ютуқлари ва замонавий тарбия методологияларини ишлаб чиқиш ва соҳага қўлаш, бу борада миллий қадрият ва менталитет устуворлигидан келиб чиқиб миллий дастурларни яратиш имконини беради.

## Мақтабгача ва мактаб таълимини ривожлантириш партиянинг устувор вазифаларидан бири бўлади!

Юрт равнақи ва истиқболини айнан таълим белгилайди. Шиддат билан ўзгараётган бугунги замонда таълим ва тарбия, илм ва интеллект бемисл аҳамият касб этаётганидан келиб чиқиб, “Миллий тикланиш” демократик партияси **мақтабгача ва мактаб таълимини ривожлантиришга** биринчи галдаги устувор вазифа сифатида қарайди.

Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мактабгача ва мактаб таълимининг сифати, аввало, педагог ва тарбиячиларнинг салоҳиятига бориб тақалади. Салоҳиятли педагог ва тарбиячилар эса мақсадли тайёрлаш ва танлов орқали таълим-тарбия жараёнига жалб этилади.

Айнан мазкур жиҳатлардан келиб чиқиб, партия ўз дастурида **куйдаги ташаббусларни билдирмоқда**:

— “**Янги авлод тарбиячиси ва педагогларини тайёрлаш Давлат дастури**”ни қабул қилиш, шунингдек, педагогикага лаёқатли бор мактаб битирувчиларини саралаш ва давлат буюртмаси асосида ўқишини ташкил этиш;

— тарбиячи ва ўқитувчиларни ишга қабул қилиш ва фаолияти жараёнида уларнинг олдинги иш фаолиятини ўрганиш, психологик тестлардан ўтказиш тартибини жорий этиш;

— мактабларга педагогларни **танлов асосида ишга қабул қилишнинг шаффоф тизимини** жорий этиш.

Мазмунан бир-бирига яқин бўлган ва малакали педагоглар корпусини яратишга қаратилган мазкур ташаббуслар сифатли таълим ва тарбияни таъминлашда асосий ечим ҳисобланади.

“Янги авлод тарбиячиси ва педагогларини тайёрлаш Давлат дастури”да ўз устида ишлайдиган, тўхтовсиз ривожланишга эҳтиёж сезадиган, шогирдларида ҳам ана шундай кайфият кўникмасини яратадиган устозларни

## Маънавий тарбия ва сифатли таълим — комил инсонни шакллантиришнинг асосий омили саналади!

таниш-билишчилик, коррупциянинг олдини олишга, балки ўз-ўзидан таълим сифатининг янада яхшиланишига ҳам имкон беради.

Таълим сифати бевосита педагогларнинг салоҳиятига боғлиқ экан, уларни таълим муассасасига қабул қилиш тартибини тақомиллаштиришга реал эҳтиёж мавжуд. Шунинг учун ҳам партия Сайловдди дастуридаги мактабларга педагогларни танлов асосида ишга қабул қилишнинг шаффоф тизимини жорий этиш тақлифи бугунги кунга мос ва долзарб масала ечимига қаратилган ташаббус ҳисобланади.

Лекин “Адолат” социал-демократик партияси ўз Сайловдди дастурида бевосита таълим сифати билан боғлиқ бўлган педагогларни қабул қилишга эмас, **тарбияланувчиларни қабул қилиш масаласига эътибор қаратмоқда**. Яъни “Адолат” партияси таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиш, айнаикса, давлат мактабгача таълим ташкилотларига тарбияланувчиларни қабул қилиш тартибини қайта кўриб чиқиш, бу борада “очиқ онлайн рўйхат” ташкил этиш билан боғлиқ ташаббуслар илгари сурилмоқда. Лекин умумий ўрта, профессионал ва олий таълим, шунингдек, олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш масаласи ҳам ташкилий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинган.

Шундан келиб чиқиб, партиямиз ўз дастурида барча таълим турларини ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиб, соҳани комплекс ривожлантириш борасидаги муҳим ташаббусларини илгари сурмоқда.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда меҳнат бозорига замонавий касб ва бошқа фаолият турлари кенгаймоқда. Замонавий кадрларга қўйиладиган меҳнат бозори талаблари ҳам ўзгариб бормоқда. Айни шу жиҳатдан партиянинг кадрлар тайёрлашда **халқаро**



## Касб-хунаар, олий ва олий таълимдан кейинги таълим меҳнат бозори учун малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилади!

Таълим ва тарбиясиз ҳар томонлама етуқ, интеллектуал авлод камолисиз тараққиётга ҳам, юксалишга ҳам, фаровон ҳаёт ва истиқболга ҳам эришиб бўлмайди. Бошқача айтганда, **таълимга киритилган инвестиция энг муҳим инвестициялар сирасига кириб**, нафақат бир мамлакат ёки халқни, балки бутун жаҳонни ҳам умумбашарий тараққиёт ва тамаддун сари етаклайди.

Шундан келиб чиқиб, партиямиз ўз дастурида барча таълим турларини ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиб, соҳани комплекс ривожлантириш борасидаги муҳим ташаббусларини илгари сурмоқда.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда меҳнат бозорига замонавий касб ва бошқа фаолият турлари кенгаймоқда. Замонавий кадрларга қўйиладиган меҳнат бозори талаблари ҳам ўзгариб бормоқда. Айни шу жиҳатдан партиянинг кадрлар тайёрлашда **халқаро**

меҳнат бозорини иноватга олиш ташаббуси рақобат муҳити кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ўта муҳимдир. Бутун замон қандай кадрларни сўраётти, ёшларимизнинг эртанги куни, фаровон турмуши ва бандлигини таъминлашда биз қандай ишлашимиз, уларни қандай касб-хунаарларга ўқитишимиз керак, деган ҳаётини саволлар асосида кейинги қадимларимизни ташлашда **айнан партиямиз ташаббуси дастурулама бўлиши лозим**.

Бундан ташқари, малакали кадр тайёрлашда асосий босқич бу олий таълим саналади. Шу сабабли охириги йилларда амалга оширилган таълим ислохотлари, хусусан, олий таълим олишга кенг имконият яратиш борасида амалга оширилган реал ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, сондан сифат кўрсаткичига ўтиш — бу борада олий таълимни **кириш осон, битириш қийин** масканга айлантириш ташаббусини илгари сурди.

Эътибор берадиган бўлсак, 2023 йилда ёшларнинг олий таълим билан қамров даражаси **9** фойздан **38** фойзга оширилган бўлса, жорий йилдаги маълумотларга кўра, 2024-2025 ўқув йилида олий таълим билан қамров даражаси **43** фойздан ошиши мумкин. Нодавлат олий таълимга кенг имкониятлар берилиши натижасида бугунги кунга келиб, мамлакатимизда жами **210** дан **ортиқ** олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, шундан **100** га **яқини** нодавлат ва хорижий олий ўқув юртлари ҳисобига тўғри келмоқда.

Бу эришилган ютуқларни изчил давом эттириш, бу борада олий таълим сифати асосий вазифалардан бири бўлиши лозим. Бу борада ўқув режа ва дастурларни меҳнат бозори талаблари асосида ишлаб чиқиш, педагоглар салоҳиятини ошириш, имтиҳонларни шаффоф ва адолатли ўтказиш борасидаги аниқ вазифалар устида ишлаш лозим.



Шу сабабли партия ўз ғояларидан келиб чиқиб, барча олий таълим муассасаларида **таълим сифатига алоҳида эътибор қаратиш**ни кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида илгари сурди.

Аслида, таълимнинг нечоғлиқ сифатли эканлигини баҳолашда бундан манфатдор бўлган талабаларнинг фикрини ўрганиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу механизмнинг амалиётга татбиқ этилиши эса таълим жараёнига баҳо бериш, унинг истеъмолчиси бўлган талабалар томонидан билдирилган фикрлар асосида тақомиллаштириш имконини беради.

Партия мамлакат олдида турган стратегик вазифаларни самарали ҳал этиш илм-фан ва технологияларни жадал ривожлантирмасдан мумкин эмаслигини яхши тушунади. Шу ҳақиқатни тўғри англаган ҳолда, Сайловдди дастурида қуйдаги муҳим **ташаббуслар илгари сурилмоқда**:

— “**Иновацион фаолият ва уни тижоратлаштириш тўғрисида**” ва “**Венчур уюшмалар тўғрисида**”ги қонунларни қабул қилиш;

— миллий илмий кадрларни тайёрлаш тизимини **қайта кўриб чиқиш**, бюрократик талабларни бекор қилиш, **Олий аттестация комиссиясини** ислоҳ этиш.

Таъкидлаш керакки, таълим жараёнига замонавий истиқболли илмфан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илмфанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, 2025 йилга қадар 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сонига юқори малакали илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа ва фан докторлари) улушини 2 бараварга, 2030 йилга эса 3 бараварга ошириш режаси белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, партия томонидан билдирилган юқоридagi ташаббуслар мамлакатимизда илмий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ёшларни илмга жалб қилиш, бу борадаги айрим бюрократик талабларни бекор қилиш имконини беради.

Шу билан бир қаторда, партия Сайловдди дастурида илгари сурилётган “**Иновацион фаолият ва уни тижоратлаштириш тўғрисида**” ва “**Венчур уюшмалар тўғрисида**”ги қонунларни қабул қилиш ташаббуслари фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш асосида аниқ мақсад ва вазифалар орқали илмий фаолиятни тақомиллаштириш, илмий натижаларни тижоратлаштиришга хизмат қилади.

## Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жисмонан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш имконини беради!

Баркамол авлод салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш “Миллий тикланиш” демократик партиясининг **жисмоний тарбия ва спорт масалаларида** илгари суралган ғояларида ҳам мустаҳкам ўрин эгаллаган. Зеро, жисмоний тарбия ва спорт келажак авлод камоли ва аҳоли барча қатламлари учун бирдек муҳим бўлган масала ҳисобланади.

Умуман олганда, сўнгги йилларда мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш борасида амалга оширилган ижобий ислохотлар натижасида спортнинг қатор турлари, хусусан, бокс, шахмат, футбол ва бошқа турлари бўйича спортчиларимиз катта тарихий натижаларга эришмоқда. Жумладан, шахматчиларимиз 2022 йилда Хундистоннинг Ченнай шаҳрида ўтган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси голиблгини қўлга киритган бўлса, футбол бўйича миллий Олимпиада терма жамоамиз тарихда илк маротаба Олимпиада йўлнамасини қўлга киритиб, жорий йилнинг 26 июнь — 11 август кунлари Францияда бўлиб ўтган XXXIII ёзи

Олимпия ўйинларида иштирок этди. Шунингдек, мазкур мусобақада Ўзбекистон делегацияси ўз тарихида илк бор 13 та медалга қўлга киритиб, 206 мамлакат орасида 13-ўринни эгаллади. Паралимпия ўйинларида эса Ўзбекистон делегацияси 26 та медалга эга чиқиб, умумжамоа ҳисобида 13-ўринни қайд этди.

Шундан келиб чиқиб, партия жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ҳуқуқий асосларни тақомиллаштириш, жисмонан ва руҳан соғлом ёш авлодни тарбиялаш, ёшларнинг кенг қўламада спорт билан мунтазам шугулланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, миллий спорт турларини қайта тиклашни устувор мақсад сифатида белгилagan.

Бу борада эса партия қуйдаги **ташаббусларни илгари сурмоқда**:

— спорт билан **профессионал ва доимий** шугулланувчи ёшларни кўпайтириш;

— селекция ишларида **шаффофлик, холисликни** таъминлаш;

— миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини тиклаш;

— миллий олимпиада спорт ўйинлари ўтказишни йўлга қўйиш;

— ёшларнинг “**Беш ташаббус олимпиадаси**” ва халқаро мусобақаларда иштирок этишига қўмақлашиш.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ҳеч бир нараса мамлакатини спорт каби дунёда тез ва осон машҳур қила олмайди. Бундан ташқари, баркамол авлодни тарбиялашда шахснинг ақлий, маънавий олами билан бир қаторда унинг жисмонан соғлом тарзда камол топиши ҳам соғлом миллатни шакллантиришда муҳим ўрин тутайди.

Шундан келиб чиқиб, ёшларнинг ва умуман, бутун аҳолининг саломатлигини таъминлаш, спортни кенг тарғиб қилиш ва у билан шугулланиш даражасини ошириш, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини тиклаш мақсадида партия томонидан билдирилган юқоридagi ташаббуслар жисмонан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Бу борада, айнаикса, ёшларимизни “**Ёшларнинг беш ташаббус олимпиадаси**” ва **халқаро мусобақаларда** иштирок этишига қўмақлашиш, **миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини** тиклаш ва миллий олимпиада спорт ўйинлари ўтказишни йўлга қўйиш каби ташаббуслар нафақат мамлакатимизда спортнинг янада ривожланишига, балки партия ғоя ва мақсадларида муҳим ўрин тутадиган миллий қадриятларимиз билан бевосита боғлиқ бўлган халқ ўйинлари, миллий спорт турларининг кейинги авлодга етказилишига ҳам хизмат қилади.

Бундан ташқари, спорт селекция ишларида **шаффофлик, холисликни** таъминлаш мамлакатимизда кучли спортчиларни саралаш, миллий ва халқаро ареналарда ватанимиз байрогини юқори поғоналарга кўтарганидан спортчиларни етиштириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, партиямизнинг таълим ва фан соҳаси бўйича ўзига хос ёндашуви мактабгача таълимдан то олий таълимдан кейинги таълимгача модернизация қилишни назарда тутадиган, синергетик мақсадга эришишга йўналтирилган комплекс тизимни ташкил этади.

“Миллий тикланиш” демократик партиясининг Сайловдди дастурида акс этган таълим-тарбия тизимини тақомиллаштириш, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ривожига қаратилган барча тақлиф ва ташаббуслари жисмонан ва маънан баркамол бўлган янги авлод кадрларини шакллантиришга хизмат қилади.

Миллий юксалиш учун “Миллий тикланиш” партияси ва унинг номзодларига овоз беринг!

Баҳодир МАМАТХОНОВ,  
Васила ФАЙЗИЕВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар



**Салим ДОНИЁРОВ**  
**суҳбатлашди.**

